Республикамызда сув омборларини барпо этиш, гидротехник иншоотларнинг хизмат муддатини узайтириш ва самарадорлигини ошириш, уларнинг эксплуатацион ишончилигини таъминлаш, сув омборларини рационал равишда тўлдириш ва бўшатиш, соҳил чизикларининг деформацияланишини олдини олиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, шунингдек, амалдаги гидрологик ҳисоб-китоб усулларини такомиллаштиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон “Ўзбекистон–2030” стратегияси тўғрисида, 2020 йил 10 июлдаги ПФ–6024-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2020–2030 йилларга мўлжалланган сув хўжалигини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ–4486-сон “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув омборларининг гидрологик режимидаги ўзгаришлар, шунингдек, морфометрик элементлар ўзгаришининг гидробиологик ва гидрохимик режимларга таъсири бўйича назарий асосларни ишлаб чиқиш йўналишида С.Т.Алтуни, М.А.Великанов, А.В.Караушев, А.Б.Авакян, А.М.Никитин, Н.Е.Горелкин, В.А.Николаенко, В.А.Скрыльников, Б.И.Белесков, Ф.Х.Ҳикматов, В.Е.Чуб, М.Р.Бакиев, А.М.Арифжанов, Д.Р.Базаров, Э.И.Чемборисов, О.Қаюмов, Ф.А.Гаппаров, М.Р.Икрамова, И.А.Аҳмедхўжаева, Т.У.Апақхўжаева, N.Akhtar, R.An, J.Barko, D.Xonek, J.Chen, Y.Gao, R.Hussain, P.Linnik, K.Wang, B.Yu ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий ишларида муайян ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунга келиб, олиб борилган кўплаб тадқиқотларга қарамадан, сув омборларида морфометрик кўрсаткичларнинг гидробиологик режимга таъсирини баҳолаш, гидробиологик режимни аниқлаш усуллари такомиллаштириш, сув омборидаги сув алмашинуви жараёнлари билан боғлиқ хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш, шунингдек, сув омборларидан фойдаланишнинг ресурс тежамкор ва иқтисодий жиҳатдан самарали режимига оид илмий ечимлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Миллий тадқиқот университети — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Мавсумий бошқарилувчи сув омборларининг фойдали ҳажмини ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш” (2018-2021) мавзусидаги мавзусидаги илмий лойиҳаси, ҳамда 2023 йил 8 июлда тузилган 21/2023-сонли хўжалик шартномаси асосида амалга оширилган «Шуртан сув омборининг хавфсизлик декларациясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади сув алмашинувини ҳисобга олган ҳолда сув омбори косасининг морфометрик кўрсаткичларининг уларнинг гидробиологик ва гидрохимик режимларига таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қуйилма сув омборлари гидрологик режимига морфометрия таъсирини аниқлаш усуллари кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш;

Сув алмашинуви жараёнлари ва морфометриядаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қуйилма сув омбори чашкасининг морфометрик параметрларини аниқлаш;

Қуйилма сув омборлари гидрологик режимига морфометрия параметрларидаги ўзгаришлар таъсирини ўрганиш бўйича натура тадқиқотларини амалга ошириш;

Сув сатҳи белгилари ва ойна майдони нисбатини ҳисобга олган ҳолда қуйилма сув омборларида сув ости ва сув устки ўсимликлар майдонидаги ўзгаришларни аниқлаш;

Қуйилма сув омбори чашкасининг морфометрияси уларнинг гидробиологик ва гидрохимик режимига таъсирини баҳолаш;

Сув омборлари режимларини рационаллаштириш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятида жойлашган Шуртон газкимё мажмуаси (ШГКМ) ҳузуридаги қуйилма Шуртон сув омбори олинган.

Тадқиқотнинг предметини қуйилма сув омборларидаги гидравлик ва гидрологик жараёнлар, сув алмашинуви шароитларини ҳисобга олган ҳолда эксплуатация даврида морфометриянинг ишлаш режимига таъсир қонуниятларини ўрганишни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида гидравлика ва гидрологияда умум қабул қилинган методлар бўйича фойдаланиб табиий дала шароитида тадқиқотлар олиб борилган, тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлар тизимли таҳлил этилган ҳамда умумлаштиришда математик статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қуйилма сув омборлари морфометриясининг гидрологик режимларга таъсир параметрларидаги ўзгаришлар баҳоланди;

Морфометрия ва сув алмашинуви жараёнларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қуйилма сув омбори чашкасининг морфометрик параметрларини аниқлаш методикаси такомиллаштирилди;

Сув сатҳи белгилари ва ойна майдони нисбатини ҳисобга олган ҳолда сув омборларида сув ости ва сув устки ўсимликлар тарқалиш майдонидаги ўзгаришларни прогноз қилиш усули такомиллаштирилди;

Морфометрия ва сув омборининг гидрологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйилма сув омборининг рационал ишлаш режими ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Қуйилма сув омборларида сув устки ва сув ости ўсимликлари

майдонларини аниқлаш учун олиб борилган тадқиқотлар асосида электрон харита ва ЭХМ дастури ишлаб чиқилган;

Қуйилма сув омборининг гидрологик режим параметрларидаги ўзгаришлар морфометрик элементлар таъсири ҳисобга олинган ҳолда баҳоланган;

Қуйилма сув омборининг морфометрик ва гидробиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг рационал ишлаш режими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ечимларни ишлаб чиқишда умум қабул қилинган механика қонунлари ва синовдан ўтган математик усулларга асосланганлиги, олинган натижаларни ўтказилган дала тадқиқотлари натижалари билан солиштирилганлиги, маълумотларни таҳлил қилишда математик статистика услубларидан фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қуйидагилардан иборат: қуйилма сув омборларининг гидробиологик ва гидрохимик режимларига морфометриядаги ўзгаришлар таъсир қонуниятлари баҳоланган; сув алмашинуви жараёнларини ҳисобга олган ҳолда морфометрия ўзгаришларининг гидробиологик режимга таъсирини аниқлаш методикаси такомиллаштирилган; сув сатҳи ва ойна майдонидаги ўзгаришларга асосланиб сув ости ва сув устки ўсимликлар майдонларини прогноз қилиш усули такомиллаштирилган; шунингдек, сув омборининг морфометрик ва гидробиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг рационал эксплуатация режими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат: қуйилма сув омборларининг гидробиологик ва гидрохимик режимларига таъсир этувчи морфометрия омиллари аниқланган; сув ости ва сув устки ўсимликлар майдонларидаги ўзгаришларни белгилаш учун дастур ишлаб чиқилган; шунингдек, гидробиологик ва гидрохимик режимлардаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда сув омборининг рационал эксплуатация режими амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Сув омбори чашкасининг морфометрик кўрсаткичларининг гидробиологик режимига таъсирини баҳолаш (Шуртан сув омбори мисолида)» мавзусидаги илмий тадқиқот натижалари асосида:

Шуртан сув омборининг гидробиологик ва гидрохимик режимларига таъсир этувчи морфометрик кўрсаткичлар ($F_{мдс}$, $F_{саёз}$, $h_{нис.}$, $K_{очик}$, $K_{сол.сув.таш.}$, $K_{чўзик}$, $K_{кир.оқим.}$) аниқланган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 27 сентябрдаги 05/13–3499-сон маълумотномаси). Натижада сув алмашинувига боғлиқ ҳолда Шуртан сув омборининг гидробиологик режимини баҳолаш имконияти яратилди;

Шуртан сув омборида сув ости ва сув усти ўсимликлар майдонидаги ўзгаришларни аниқлаш учун электрон дастур ишлаб чиқилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 27 сентябрдаги 05/13–3499-сон маълумотномаси). Натижада сув омборидан хавфсиз ва самарали фойдаланиш имконияти

яратилган;

Шуртан сув омбори морфометрик ва гидробиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда рационал эксплуатация режими ишлаб чиқилган (Сув ҳўжалиги вазирлигининг 2024 йил 27 сентябрдаги 05/13–3499-сон маълумотномаси). Натижада сув омбори ҳавзасидаги сув ости ва сув усти ўтлари майдонини олдиндан аниқлаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 5 таси Scopus базасида индексацияланган халқаро ва миллий конференциялар материалларида, 12 та мақола эса Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан PhD диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган. Ушбу мақолалардан 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 1 та ЭҲМ дастури учун гувоҳнома олинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг зарурлиги ва мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари баён этилган, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, ишончлилиги асосланган, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Мавзунинг ўрганилганлик ҳолати**” деб номланган биринчи бобида сув омборларида гидробиологик ва гидрохимик режимларнинг ўзгариши, сув омборларида сув остидги ва сув устидги ўсимликларнинг шаклланиши ҳамда уларни тозалаш бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган.

Сув омборларининг гидрологик режими ва морфометрик кўрсаткичларини аниқлашнинг назарий асослари С.Т.Алтуний, М.А.Великанов, А.В.Караушев, А.М., Ф.Х.Ҳикматов, В.Е.Чуб, М.Р.Бакиев, А.М.Арифжанов, Д.Р.Базаров, М.Р.Икрамова, Ф.А.Гаппаров, И.А.Аҳмедхўжаева, Т.У.Апақхўжаева, N.L.Poff, R.Poeppel, S.A.Kantoush, Y.G.Lai, B.N.Eustis, D.S.Van Maren, S.Heaven, T.Tanto, D.Rycroft каби кўплаб олимларнинг илмий ишларида ёритилган.

Сув омборларидаги морфометрик кўрсаткичларнинг гидробиологик режимга таъсирини баҳолаш, сув ости ва сув усти ўсимликларнинг шаклланиши ҳамда уларни тозалаш бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар А.Б.Авакян, А.М.Никитин, Н.Е.Горелкин, В.А.Николаенко, В.А.Скрыльников, Б.И.Белесков, Э.И.Чемборисов, О.Қаюмов, Ф.А.Гаппаров, N.Akhtar, R.An, J.Barko, D.Xonek, J.Chen, Y.Gao, R.Hussain, P.Linnik, K.Wang, B.Yu ва бошқаларнинг илмий ишларида баён этилган.

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида, сув омборларининг гидробиологик режимини аниқлаш усуллари ишлаб чиқишда морфометрик кўрсаткичлар билан биргаликда сув алмашинуви жараёнларини ҳисобга олиш зарурлигини эътиборга олиш лозимлиги асосланди.

Шу билан бирга, табиий ва антропоген омиллар таъсирида сув омборларида ўсимликлар ҳажмини аниқлаш бўйича бир қатор усуллар ишлаб чиқилган. Ушбу усулларнинг қуйидаги жиҳатларини таъкидлаш мумкин: табиий дала тадқиқотлари натижаларига кўра, сув юзаси майдони ва ўсимликлар тарқалиш ҳудуди ўзгаришларини баҳолашда морфометрик параметрлар ўзгарувчанлиги ҳисобга олинган. Бунда замонавий техник ва технологик воситалардан кенг фойдаланиш ижобий натижаларни берган.

Юқорида баён этилган илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, республиканинг турли ҳудудларида фойдаланиб келинаётган сув омборларида гидробиологик режимни баҳолашда иқтисодий жиҳатдан самарали ёндашув сифатида асосан табиий дала шароитидаги тадқиқотлар ва масофадан зондлаш усулларида фойдаланган ҳолда тадқиқотларни амалга ошириш зарур. Юқоридаги таҳлиллар асосида ишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Сув омборининг гидробиологик ва гидрокимёвий режимларини ўрганиш бўйича дала тадқиқотлари”** деб номланган иккинчи бобида сув омборининг гидробиологик ва гидрокимёвий режимларида бир неча йил давомида содир бўлган ўзгаришларга оид натуравий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Дала тадқиқотлар жараёнида сув омборининг морфометрик параметрларидаги кўп йиллик ўзгаришлар аниқланган. Белгиланган нукталардаги ўлчов ишлари замонавий технологиялар асосида амалга оширилган. Замонавий ўлчов ускуналаридан фойдаланиш натижасида олинган маълумотларнинг аниқлиги ошган. Ўлчовлар сув сатҳи турли босқичларда бўлган даврларда олиб борилган.


Дала тадқиқотлар АУПНТ № 10114 геодезик ўлчов қурилмаси (сертификат № 219, 2021 йил 6 май) ва GNSS туркумидаги радиоқабул қилгич воситалари № 3293723 ва № 3294066 орқали амалга оширилган. Ушбу замонавий геодезик ўлчов қурилмаси 0 мм дан 10000 мм гача бўлган масофаларни ўлчай олади. Қурилманинг максимал хатолиги $\pm 3,0$ мм ни ташкил қилади.

Сув юзаси майдонини сув сатҳи ўзгаришларига боғлиқ ҳолда аниқлаш мақсадида ўтказилган ўлчов ишлари давомида маълумот йиғувчи АУПНТ қурилмаси сув омборининг 422,4 метр баландликдаги нормал тўлдириш

сатҳидаги тўғон қисмига жойлаштирилди. Абсолют баландликлар ҳар 30 метр масофада соҳил бўйлаб ўлчаниб, лойиҳа маълумотлари билан таққосланганида, сув омборининг соҳил чизиғида катта ўзгаришлар юз бергани аниқланган.

АУПНТ қурилмасининг маълумотлар базаси спутник тизимига уланган ҳолда, ўлчов воситасининг жойлашиш нуқтаси аниқланиб, ишчи ҳолатга келтирилган.

Шуртан сув омбори чашкасининг параметрларини шакллантириш, сув юзаси майдонидаги ўзгаришлар ҳамда сув ости ва сув усти ўсимликлар миқдорини аниқлаш мақсадида сув сатҳи белгиларини ҳисобга олган ҳолда сув юзаси майдонидаги ўзгаришларни акс эттирувчи махсус харита тузилган.



1-расм. Шуртан сув омборида сув сатҳи белгисига боғлиқ ҳолда сув юзаси майдонининг ўзгариши харитаси


Дала тадқиқотлари маълумотлари ва кимёвий таҳлил натижалари асосида сув омборига кирувчи ва ундан чиқувчи оқим нуқталаридаги сув сифатининг ҳозирги ҳолати баҳоланган.

Сув омборидан чиқувчи оқимда олинган ойлик намуналарнинг умумий қаттиқлик кўрсаткичлари сув омборига кириш нуқтасидаги кўрсаткичлар билан солиштирилганда, умумий қаттиқликнинг сезиларли даражада ошганини кўрсатди. Хусусан, сув омборига кириш нуқтасидаги «Б» створида умумий қаттиқликнинг ўртача миқдори 5,8 мг/л ни ташкил этган бўлса, сув омборидан чиқиш нуқтасида бу кўрсаткич 6,35 мг/л гача ошган. Шу асосда сувдаги умумий қаттиқлик 1–1,02 мартагача ортиши кузатилган.




2-расм. Сув омборига кириш ва чиқиш нуқталарида сувнинг умумий қаттиқлик даражасидаги ўзгариши

Диаграмма сув омбори доирасида кальций ва магний ионларининг тўпланиш эффектларини намоён этади. Чиқиш нуқтасидаги кўрсаткичнинг ошиши сув циркуляциясининг секинлашганини ва иссиқ мавсумда буғланиш таъсирининг кучайишини тасдиқлайди.



3-расм. Сув омборига кириш ва чиқиш нуқталарида сувнинг умумий ишқорлилик даражасидаги ўзгариши

Мавсумий тебранишлар ўртача даражада ифодаланган. Ёзги кўтарилиш фотосинтез жараёнларининг фаоллашуви билан изоҳланади, зимда эса ишқорлилик миқдори биологик фаолликнинг камайиши ва янги минерал бирикмалар оқимининг чекланганлиги туфайли пасаяди.



4-расм. Сув омборига кириш ва чиқиш нуқталарида сувнинг суюқлик даражасидаги ўзгариши

Диаграмма сувнинг табиий тозаланишини самарали кечишига чўкиндилаш орқали эришилаётганини кўрсатади. Лойқалик даражасининг

кескин пасайиши сувдаги заррачаларнинг фаол чўкиши ва сув алмашинуви жараёнларида турбулентликнинг мавжуд эмаслигини англатади.

Ушбу кўрсаткичлар сув ҳавзасининг морфометрик динамикаси ҳамда унинг гидробиологик режимига таъсир этувчи асосий омиллар ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар 1- жадвалда келтирилган

1- жадвал.

Шўртан сув омборининг асосий морфометрик кўрсаткичлари

$F_{\text{мдс}}, \text{км}^2$	$F_{\text{саёз}}, \text{км}^2$	$h_{\text{нис}}$	$K_{\text{очик}}$	$K_{\text{сол. сув таш}}$	$K_{\text{чўзик}}$	$K_{\text{кир оқим}}, (\text{тўлиқ хажмда})$
2,17	0,67	3,24	0,29	5,99	2,62	0,98

Бу ерда:

$F_{\text{мдс}}$ – сув омборининг меъёрий димланган сатҳ (МДС) даги сув юзаси майдони, км^2 ;

$F_{\text{саёз}}$ – сув омборининг чуқурлиги 2 метргача бўлган саёз қисмининг майдони, км^2 ;

$h_{\text{нис}}$ – нисбий чуқурлик коэффиценти;

$K_{\text{очик}}$ – очиклик коэффиценти;

$K_{\text{сол. сув таш.}}$ – солиштирма сув ташлаш коэффиценти;

$K_{\text{чўзик}}$ – чўзиклилик коэффиценти;

$K_{\text{кир оқим}}$ – сув омборига йил давомида оқиб келган сув миқдори бўйича сув алмашинуви.

Диссертациянинг “Сув омборининг гидробиологик режими баҳолаш” деб номланган учинчи бобида назарий тадқиқотлар ва табиий дала тадқиқотларини таҳлил натижалари асосида сув омбори юзасининг майдони ўзгаришини сув баланси ҳамда геоахборот технологиялари (ГАТ) асосида баҳолаш усули баён этилган.

Сув омборининг морфометрик хусусиятлари таъсирида гидробиологик режимдаги ўзгаришларни аниқлашга қаратилган усулларни ишлаб чиқишда сув балансига асосланган ва геоахборот тизимларидан фойдаланилган.

Сув омбори юзасининг майдони эксплуатация бошидан ҳисобий давргача бўлган ўзгариши қуйидаги боғланиш асосида аниқланган:

$$\Delta F = (F_{\text{макс}} - F_{\text{мин}}) - (\Sigma\Pi - \Sigma P) = (F_{\text{макс}} - F_{\text{мин}}) - (\Sigma\Pi - \Sigma P) \quad (1)$$

Бу ерда: $F_{\text{макс}}$ и $F_{\text{мин}}$ - ой охиридаги максимал ва минимал сув сатҳларига мос келувчи лойиҳавий график асосида аниқланган сув омбори юзасининг майдонлари;

$\Sigma\Pi$ и ΣP – сув омборини ҳисобий йилдаги ойлари учун сув сатҳи максимал бўлган ойнинг кейинги ойдан бошлаб то сув сатҳи минимал бўлган ойгача сув балансини ташкил этувчилари (кирувчи ва чиқувчи) йиғиндиси [111, 111 б., 112; 125 б.].

(1) формулада $(F_{\text{макс}} - F_{\text{мин}})$ кўрсаткичларнинг фарқи ёки ΔF -эксплуатациядан олдинги (лойиҳавий) сув омборининг юзаси ва $(\sum P - \sum R)$ айирма эса ҳисобий йил учун сув сатҳининг максимал кўрсаткичидан (тошқин пайтида) минимал кўрсаткичигача ўзгаришидаги сув омборининг юзаси, яъни бу кўрсаткичларнинг абсолют айирмаси сув омборининг ҳисобий йилдаги максимал ва минимал сатҳлар орасидаги юзаси.

Сув омборлари юзаси ўзгаришини аниқлаш учун МДС ва ЎСС сатҳлари орасидаги юз фарқидан фойдаланилади.

Сув омбори эксплуатацияси бошланганидан ҳисобий йилгача ΔF нинг O_c оқим ҳажмига боғлиқлиги кўринишида аниқланиши керак

$$\Delta F = K \cdot O_c^n \quad (2)$$

бунда: n ва K қийматлари энг кичик квадратлар усулига мувофиқ қуйидаги формулалар орқали аниқланади:

$$n = \frac{m(\sum_{i=1}^m \ln O_c \cdot \ln \Delta F) - \sum_{i=1}^m \ln O_c \cdot \sum_{i=1}^m \ln \Delta F}{m \sum_{i=1}^m (\ln O_c)^2 - (\sum_{i=1}^m \ln O_c)^2} \quad (3)$$

$$K = \exp \frac{\sum_{i=1}^m \ln O_c \cdot \ln \Delta F - n \sum_{i=1}^m (\ln O_c)^2}{\sum_{i=1}^m \ln O_c} \quad (4)$$

бунда: m - сув омбори ойна майдони ΔF аниқланган йиллар сони.

Сув омбори ойна майдонидаги ўзгаришни аниқлаш учун УМО ва НПУ белгиларининг орасидаги майдон аниқланиши керак.

$$\Delta F = \Delta F_{\text{проект}} \cdot \frac{H_{\text{НПУ}} - H_{\text{УМО}}}{H_{\text{макс}} - H_{\text{мин}}} \quad (5)$$

$\frac{\Delta F_i}{\Delta F_{\text{НПУ}}}$ нисбатни сув омборларида олиб борилган дала тадқиқот кузатувлари натижасида аниқланган қуйидаги кўринишдаги боғланиш асосида аниқлаш мумкин:

$$\frac{\Delta F_i}{\Delta F_{\text{НПУ}}} = K_1 \left(\frac{H}{H_{\text{НПУ}}} \right)^{n_1} \quad (6)$$

(6)-тенглама боғланмасини олиш учун Шуртан сув омбори косаси юзасида амалга оширилган ўлчов ишлари натижалари қўлланилган.

Ушбу маълумотлар 2-жадвалда келтирилган бўлиб, боғланиш графиги эса расмда тасвирланган.

Жадвал-2.

$H_i/H_{\text{мдс}}, \Delta F_i/\Delta F_{\text{мдс}}$ нисбатларининг H га боғлиқлик маълумотлари.


Сатҳ H , м	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
$H_i/H_{\text{мдс}}$	0,03	0,07	0,12	0,20	0,28	0,38	0,59	0,69	0,71	0,83	0,95
	2	4	9	3	1	2	1	6	9	9	9

$\Delta F_i/\Delta F_m$	0,97	0,97	0,98	0,98	0,98	0,98	0,99	0,99	0,99	0,99	0,99
дс	5	7		2	5	7		2	4	7	9

2-жадвал маълумотлари асосида русловий турдаги сув омборлари учун мос бўлган формула олинди.

$$\frac{\Delta F_H}{\Delta F_{НПУ}} = 1,43 \left(\frac{H}{H_{НПУ}} \right)^{123,11} \quad (4)$$


Агар $H = H_{мдс}$ деб қабул қилинса, у ҳолда (10)-боғланма асосида сув омбори юзасининг камайишини аниқлагандан сўнг, сув юзаси майдонининг камайиш миқдорини ҳисоблаш мумкин.



7-расм. Шуртан сув омбори юзаси майдонидан нисбий сув сатҳи белгисини аниқлаш графиги.

Шуртан сув омбори юзасида амалга оширилган ўлчов ишлари маълумотлари мавжуд бўлганда, сув сатҳи турли белгиларда бўлган ҳолатда сув юзаси майдони ўзгариши боғланмасини аниқлаш мумкин. Геоахборот тизимлари (ГАТ) ва масофавий зондлаш усуллари уйғунлашган ҳолда сув омборларининг гидробиологик, гидравлик ва гидрологик режимларини комплекс таҳлил қилишда самарали восита ҳисобланади. Суний йўлдош маълумотлари ёрдамида ўсимлик қоплами, ўсимликсиз майдонлар ва сув юзаси майдони бўйича аниқ хариталар тузиш имкони мавжуд.

Харитада масофавий зондлаш натижаларига кўра сув ҳудуди сифатида аниқланган жойлар оч кўк ранг билан белгиланган.




8-расм. ArcGIS дастурида ГАТ-ўлчовлар асосида сув юзаси чегараларини интерполяция қилиш.

Ушбу ҳудудларни ажратиб олишда ГАТ муҳитида сувнинг спектрал хусусиятларига, биринчи навбатда NDWI (Normalized Difference Water Index) индекси ёки унинг аналогларига асосланган масофавий зондлашнинг стандарт тартиби қўлланилди.

Тадқиқот доирасида сув омбори юзасининг майдонини баҳолаш учун икки хил ёндашув: GNSS қурилмалари ёрдамидаги далалик ўлчовлар ва масофавий зондлаш усули орқали олинган маълумотларни ГАТда қайта ишлаш асосида таҳлил қилинди.

Дала тадқиқот ишлари юқори аниқликка эга йўлдош қабул қилгичи воситасида олиб борилди. Визуал тарзда сув юзасига тегишли деб топилган нуқталар соҳил чизиғи бўйлаб, сув ўсимликлари мавжуд бўлган майдонларни ҳам ўз ичига олган ҳолда белгиланди.




9-расм. ArcGIS дастурида GNSS-ўлчовлар асосида сув юзаси чегараларини интерполяция қилиш.

9-расмда келтирилган харитада GNSS-ўлчовлар натижасида аниқланган сув омборининг чегаралари қизил рангда тасвирланган. Дала тадқиқотлар жараёнида тўпланган бошланғич координаталар ArcGISда қайта ишланган ва визуаллаштирилган.

Ушбу жараён доирасида маълумотлар нуқтавий геомаълумотлар форматида импорт қилинган, сўнгра фазовий интерполяция орқали сув юзасининг ҳақиқий чизигини, шу жумладан сув ўсимликлари мавжуд бўлган участкаларни қамраб олган ёпик контур қурилган.


Ҳосил қилинган ушбу вектор қатлами кейинчалик ГАТда йўлдош тасвирларининг автоматик классификацияси натижалари билан таққослаш учун фойдаланилди.

Ушбу қатлам суратга олиш пайтида сувнинг тарқалиш ҳолатини визуаллаштириш имконини беради, бироқ соҳил бўйлаб зич ўсимликлар мавжудлиги, камсувлиқ ёки сув остида қолган ўтлоқ майдонлар шароитида муайян чекловларга эга.



10-расм. GNSS ва ГАТ маълумотлари асосида сув юзасининг таққослама харитаси.

Ушбу харита дала тадқиқотлари шароитида аниқланган сув чизиги билан йўлдош тасвирларининг автоматик классификацияси натижалари ўртасидаги фарқни намоён этади.



11-расм. Шуртан сув омбори сув сатҳи белгисига нисбатан сув юзаси майдонининг дала тадқиқотлари маълумотлари, тавсия этилган усул ва ГАТ маълумотлари асосидаги боғланма чизиқлари.


Графикда Шуртан сув омбори сув сатҳи белгисига боғлиқ равишда сув юзаси майдонининг ўзгаришини акс эттирадиган боғланма чизиқлар келтирилган бўлиб, улар дала тадқиқотлари маълумотлари, тавсия этилган усул бўйича ҳисоблашлар ва ГАТ таҳлили натижалари асосида аниқланган.

График таҳлили шуни кўрсатадики, таклиф этилган усул натижалари дала тадқиқотлари маълумотлари билан энг юқори даражада мувофиқ келади.


Диссертациянинг “**ШГХК сув таъминотини инобатга олган ҳолда сув омборини фойдаланиш режимини асослаш ва рационаллаштириш**” деб номланган тўртинчи бобида Шуртан сув омборининг “Шуртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ каби асосий истеъмолчиларни барқарор сув билан таъминлаш имконини берувчи рационал фойдаланиш режими ишлаб чиқилган. Бунда сув омбори косасининг морфометрик хусусиятлари, сув истеъмоли ҳажмлари, фильтрация ва буғланиш орқали йўқотишлар таҳлили асосида унинг стационар ҳамда фавқулодда ҳолатларда самарали ишлаш шартлари асослаб берилган.

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, йиллик сув етказиб бериш ҳажми 18 181 минг м³ ни ташкил этиб, шунинг 75% гача миқдори “Шуртан газ кимё мажмуаси” эҳтиёжлари учун сарфланади. Эксплуатацион ҳажм ва авария захирасини сақлаб қолишни таъминловчи сув тўплаш ва сув бериш графиклари ишлаб чиқилди, ҳамда сув сатҳини бошқариш орқали сайра ёқаликларининг ўсимликлар билан қопланишини камайтириш, сув алмашинувини яхшилаш ва сув ҳавзасидаги гидробиологик жараёнларни барқарорлаштириш мумкинлиги асосланган. Ёз-куз мавсумида сув ресурсларини тўплаш орқали 1,5 млн м³ гача захира яратилади, бу эса фавқулодда ҳолатларда ҳам барқарор сув таъминотини кафолатлайди.

Ойлик сув бериш ҳажмлари ва йўқотишлар ҳисобга олинган ҳолда эксплуатация режими бошқарувини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда сув омборининг соҳалардаги ўсимликларни тозалаш давридаги ишлаш режими графиги ишлаб чиқилди.



13-расм. Сув омборининг соҳалардаги ўсимликларни тозалаш давридаги ишлаш режими графиги



14-расм. Сув омборининг соҳилбўйи ҳудудлари ўсимликларни тозалаш давридаги ишлаш диспетчерлик графиги

Тақдим этилган режим асосида техник-иқтисодий таҳлил амалга оширилди, натижада кўшимча фойдали сув ҳажми аниқланди. Ҳисоб-китобларга кўра, тақлиф этилган ечимларни қўллаш орқали йўқотишларни қисқартириш, насос станциялари ишончлилигини ошириш ҳамда ГАТ-технологиялар ва NDWI индекси асосида масофавий назоратни жорий этиш ҳисобига 174,1 миллион сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришиш имкони таъминланади.

ХУЛОСА

“Сув омбори косасининг морфометрик кўрсаткичларининг унинг гидробиологик режимида таъсирини баҳолаш (Шуртан сув омбори

мисолида)” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сув омборининг морфометрик хусусиятлари — чуқурлиги, сув юзасининг майдони, қирғоқ чизиғининг конфигурацияси — унинг гидробиологик ва гидрокимёвий жараёнларига бевосита таъсир кўрсатиши аниқланган. Қийин шаклланган қирғоқ чизиғи сув алмашинуви ва кислород билан тўйинишни кучайтириши, содда шакл эса кўпроқ турғунлик ва эвтрофикация жараёнларини тезлаштиришига олиб келиши исботланган.
2. 2021–2023 йиллардаги дала тадқиқотлари шундан далолат бердики, $K_{в.пр.} = 0,98$ бўлган сув алмашинув коэффиценти, ҳаво ҳароратининг $+47^{\circ}\text{C}$ гача етиши ва ёз мавсумида $5,3\%$ гача етиб боровчи испарилиш шароитида сув омборида макрофитлар фаол ривожланади ҳамда унинг гидробиологияси сезиларли ўзгаради.
3. 2000 йилдан 2023 йилгача сув юзасининг майдони $1,95\text{ км}^2$ дан $1,67\text{ км}^2$ гача қисқарган. Ҳосил бўлган чўкиндилар ва актив ўсимликлар ўсиши жанубий ва жануби-шарқий қисмларда айниқса кучли намоён бўлган.
4. Сув юзаси майдони ва сув омбори ҳажмини баҳолаш учун сув баланси, GNSS ва сунъий йўлдош маълумотлари асосида баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди. Ҳисоб-китоблар дала тадқиқотлари билан таққослаганда $3\text{--}4\%$ дан ортиқ фарқ кузатилмаганини кўрсатди, бу эса усулнинг аниқлигини исботлайди.
5. Сув сатҳи билан сув юзасининг майдони ($H_i/H_{нпу}$) ўртасидаги боғлиқликка асосланган ва NDWI сунъий йўлдош индексидан фойдаланган ҳолда макрофитларнинг ўсишини башорат қилиш модели такомиллаштирилди.
6. Шуртан сув омборининг фаолият юритишининг рационал режими ишлаб чиқилди, у авария ҳолатларини ҳам ўз ичига олган. Резервда $1,8\text{ млн м}^3$ гача сув захираси мавжуд бўлиб, бу ШГХКни 72 суткагача узлуксиз таъминлаш имконини беради.
7. Геоахборот усуллариининг самарадорлиги (хусусан, NDWI индекси, Landsat-8 ва Sentinel-2 сунъий йўлдошлари) сув юзаси майдонини баҳолаш, деградацияга учраган участкаларни аниқлаш ва ўсимлик билан қопланган зоналарни хариталашда тасдиқланди.
8. Морфометрик ўзгаришлар (чуқурликнинг пасайиши, юзаки сувларнинг кўпайиши) билан экологик ҳолат ўртасида барқарор боғлиқлик аниқланди.
9. Сув испарилишига оид йўқотишларни ҳисоблаш бўйича таклиф этилган усулнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоб-китоблар билан тасдиқланган: сув омборининг эксплуатация режими рационаллаштирилиши орқали йиллик $174,1\text{ млн сўм}$ миқдорида иқтисодий самара олиш имкони яратилган.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING ACADEMIC DEGREES
No DSc.03/30.12.2019.T.10.02 AT THE “TASHKENT INSTITUTE OF
IRRIGATION AND AGRICULTURAL MECHANIZATION ENGINEERS”
NATIONAL RESEARCH UNIVERSITY**

**“TASHKENT INSTITUTE OF IRRIGATION AND AGRICULTURAL
MECHANIZATION ENGINEERS” NATIONAL RESEARCH
UNIVERSITY
KHAYDAROV AZIZ RAVSHAN UGLI**

**ASSESSMENT OF THE IMPACT OF RESERVOIR BASIN
MORPHOMETRY ON THEIR HYDROBIOLOGICAL REGIME (A CASE
STUDY OF THE SHURTAN RESERVOIR).**

05.09.07 – Hydraulics and engineering hydrology

**DISSERTATION ABSTRACT OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)
ON TECHNICAL SCIENCES**

Tashkent – 2025

The topic of doctoral dissertation on technical science was registered at the Supreme Attestation Commission under the Ministry of Higher Education, Science and Innovations of the Republic of Uzbekistan with № B2024.3. PhD/T4979.

The doctoral dissertation was done at the National Research University “Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers”.

The abstract of the dissertation in three languages (Russian, Uzbek, English (resume)) was placed on website at the adress www.tiiame.uz and information-educational portal «ZiyoNet» at the adress www.ziynet.uz.

Supervisor:

Gapparov Furkat Axmatovich

Doctor of technical sciences, professor

Official opponents:

Doctor of technical sciences, professor

Doctor of technical sciences, professor

Leading organization:

The defense of the thesis will be held «____»_____ 2025 y _____ hours at the meeting of Scientific council DSc 03/30.12.2019.T.10.02. at the “Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers” National research university at the address: 100000 Tashkent, st. Qari-Niyaziy, 39, tel: (99871) 237-22-67, Fax: (99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz.

The doctoral dissertation can be found at the Information Resource Center of the Scientific Research Institute of Irrigation and Water Problems (registered with №____) at the address: 100187. Tashkent, Qorasuv 4, 11. Tel: (99899) 434-43-28;

Dissertation abstract was released «____»_____ 2025 y.

(mailing registration № _____ from «____»_____ 2025 y.)

A.T. Salohiddinov

Chairman of the scientific council for awarding academic degrees, doctor of technical sciences, professor

F.A. Gapparov

Scientific secretary of the scientific council for awarding academic degrees, doctor of technical sciences, professor

A.M. Arifjanov

Chairman of the academic seminar under the scientific council for awarding academic degrees, doctor of technical sciences, professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

The aim of the research is to assess the impact of reservoir basin morphometry on their hydrobiological and hydrochemical regimes, taking into account water exchange.

Object of the study is the Shurtan off-channel reservoir at the Shurtan Gas Chemical Complex (SGCC), located in the Kashkadarya region of the Republic of Uzbekistan.

The scientific novelty of the research are as follows:

the changes in the parameters of the hydrobiological and hydrochemical regimes of reservoirs depending on variations in morphometric characteristics were assessed;

the methodology for determining the hydrobiological regime of a reservoir, considering morphometric indicators and water exchange processes, was improved;

the method for predicting and determining the area of submerged and emergent aquatic vegetation based on changes in water level and surface area of the reservoir basin was refined;

a rational operation regime for the reservoir, taking into account its morphometric and hydrobiological characteristics, was developed.

Implementation of research results. Based on the results of the scientific research on the topic “Assessment of the Impact of Reservoir Basin Morphometry on Their Hydrobiological Regime (A Case Study of the Shurtan Reservoir)”:

Morphometric indicators affecting the hydrobiological and hydrochemical regimes of the reservoir were identified (reference No. 05/13-3499 of the Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan dated September 27, 2024). As a result, the possibility of assessing the hydrobiological regime of the reservoir depending on water exchange was established.

A rational operation regime was developed, taking into account the changes in the hydrobiological and hydrochemical regimes of the reservoir (reference No. 05/13-3499 of the Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan dated September 27, 2024). This made it possible to ensure more efficient use of the reservoir.

A software tool was developed to determine changes in the area of submerged and emergent aquatic vegetation in reservoirs (Certificate No. DGU 32534 issued by the Intellectual Property Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan). As a result, it became possible to forecast the distribution area of aquatic vegetation in the reservoir.

The length and structure of the dissertation: The dissertation consists of the introduction, 4 headings, conclusion, bibliography and appendices. The length of the dissertation are 123 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
E'LON QILINGAN ISHLAR RO'YXATI
LIST OF PUBLICATION**

I bo'lim (I часть; I part)

1. Apakxujaeva T., Hoshimov A., Haydarov A., Ro'ziev D. Quyilma-o'zanli suv omborlarida filtrasiya hisobi. O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi. 2022 й. Maxsus son [2] –B. 83-84.
2. Хайдаров А., Абдураимова Д., Апакхужаева Т. Влияние изменения климата на водные ресурсы Узбекистана. O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi. 2022 й. 9-сон. В – 44-45.
3. Gapparov F.A., Haydarov A.R., Yaxshiyev Sh. Sh., G'afforova M.F. O'zbekistonda suv omborlarining o'rni va ahamiyati. Me'morchilik va qurilish muammolari. 2024 й. Maxsus son. В. – 48 – 50.
4. Gapparov F., Khaidarov A., Yakhshiev S., Gafforova M., Atakulov D. Reservoir Overgrowth and its Relationship with Morphometry: Research Problem and Prospects for Uzbekistan. Journal of Advanced Zoology. 2023, Vol. 44, pp. 955–967.
5. Yakhshiev S., Khaydarov A. Application of bentonite as an anti-filtration material in hydraulic engineering: A case study of the Tudakul Reservoir. American Journal of Engineering, Mechanics and Architecture. 2025, Vol. 3, No. 1. ISSN (E): 2993-2637.
6. Gapparov F., Khaydarov A., Kogutennko L., Gafforova M. Change of the hydrochemical and hydrobiological regimes of water reservoir. CONMECHYDRO 2023. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202340101006>
7. Khaydarov A., Apakxujayeva T., Atakulov A. Influence of geographical location on reservoir vegetation formation. CONMECHYDRO 2023. 2023. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202340101013>
8. Khaydarov A., Uzbekov U., Gapparov F., Rakhimov K. Changes in the Reliability of Seasonal Control Reservoirs for Resource Management. ICTEA: International Conference on Thermal Engineering. 2024, Vol. 1, No. 1.
9. Gapparov F., Khaydarov A., Yakhshiev Sh., Gafforova M. Анализ изменения некоторых химических показателей водохранилищ. Interpretation and Researches. 2024. <https://interpretationandresearches.uz/index.php/iar/article/view/2542>
10. Gapparov F., Abduraimova D., Khaydarov A., Atakulov D., Gafforova M. Assessment of changes in vegetation cover of reservoir banks using GIS technologies. BIO Web of Conferences. 2024, Vol. 141, Article 03020. <https://doi.org/10.1051/bioconf/202414103020>
11. Arifjanov A., Pirmatov R., Vakhidova U., Khaydarov A., Arifjanov S., Ruziyev K. Efficient use of reservoirs in Uzbekistan. BIO Web of Conferences. 2024, Vol. 141, Article 03022. <https://doi.org/10.1051/bioconf/202414103022>

12. Assessment of aggressiveness of some indicators of chemical elements on reservoir water quality. VI International Scientific Conference Construction Mechanics, Hydraulics & Water Resources Engineering (CONMECHYDRO 2024) <https://doi.org/10.1063/5.0280078>

II bo'lim (II часть; II part)

13. Haydarov A., Arifjanov A., Melikuziev S., Kabutov H. Cleaning of irrigation systems from muddy sediments by hydromechanization method. Horizon: Journal of Humanity and Artificial Intelligence. 2022, Vol. 1. <https://univerpubl.com/index.php/horizon>
14. Haydarov A.R., Gapparov F.A., Yaxshiyev Sh.SH., Atakulov D.Y. Nisbiy suv sathining suv ombori maydoniga bogliqligini hisoblash. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligidan berilgan guvohnoma. DGU 32534. 13.01.2024 y.
15. Гаппаров Ф., Хайдаров А., Когутенко Л., Гаффорова М. Сув омборлари гидробиологик режимини баҳолаш. International journal of agrobiotechnology and veterinary medicine. 2023 й. Volume: 2, Issue: 1. <http://sciencebox.uz/index.php/tibbiyot/article/view/5671>
16. Ibragimova, Z., Atakulov, D., Haydarov A. Yer va suv resurslarini samarali boshqarishda sams platformasidan foydalanish. International journal of agrobiotechnology and veterinary medicine. 2023 й. Volume: 2, Issue: 4. <http://sciencebox.uz/index.php/tibbiyot/article/view/6469>
17. Гаппаров Ф., Хайдаров А., Яхшиев Ш., Гаффорова М., Шипилова К. Проблематика исследования и потенциал исследований в узбекистане в контексте зарастания водохранилищ и их связь с морфометрией. International journal of agrobiotechnology and veterinary medicine. 2023 г. Volume: 2, Issue: 9, стр. 3-8
18. Хайдаров А., Хошимов С., Яхшиев Ш. Влияние изменения климата на режим водохранилищ. International journal of agrobiotechnology and veterinary medicine. 2023 г. Volume: 2, Issue: 23. стр. 114-118
19. Хайдаров А., Атакулов Д. Влияние морфометрии на гидробиологический режим водохранилищ. International journal of agrobiotechnology and veterinary medicine. 2023 г. Volume: 2, Issue: 23. стр. 114-118
20. Хайдаров А.Р. Взаимосвязь гидробиологического режима с морфометрией и изучение покрова растительностью Талимарджанского водохранилища. Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари мавзусидаги анъанавий XXII ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани. Тошкент. 2023 й. стр. 301-305
21. Гаппаров Ф.А., Хайдаров А.Р. Оценка влияния морфометрических показателей на гидробиологический режим водохранилищ (на примере Талимарджанского водохранилища). Международные научные чтения – 2023. Петрозаводск. 2023 г. стр. 194-200
22. Гаппаров Ф.А., Хайдаров А.Р. Водохранилища – один из путей устойчивого управления водными ресурсами в Узбекистане. Сборник научных статей:

Материалы международной научно-практической конференции на тему «Устойчивое управление водными ресурсами - основа решения стратегической цели по продовольственной безопасности в условиях изменяющегося климата», посвященной Всемирному дню воды - 22 марта (Душанбе). 2024 г. стр. 51-55

Avtoreferat «IRRIGATSIYA VA MELIORATSIYA» ilmiy jurnali tahririyatida tahrirdan o'tkazildi va o'zbek, rus, ingliz (summary) tillaridagi matnlari mosligi tekshirildi.

Bosishga ruxsat etildi:

Bichimi: 60x84^{1/16} «Times New Roman»
garniturada raqamli bosma usulda bosildi.

Shartli bosma tabog'i 2,8. Adadi 100. Buyurtma: № 290

Tel: (99) 832 99 79; (99) 817 44 54

Guvohnoma reestr № 10-3279

“IMPRESS MEDIA” MChJ bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent sh., Yakkasaroy tumani, Qushbegi mavzesi, 6-uy.

